



Дилдора АГЗАМОВА

доцент

филология фанлари номзоди
Ўзбекистон миллий университети
agzmuh@mail.ru

ТАРЖИМАШУНОСЛИК ВА ЛИНГВОМАМЛАКАТШУНОСЛИК ФАНЛАРИДА РЕАЛИЯЛАР МУАММОСИ

Мақолада таржимашунослик ва лингвомамлакатшунослик фани соҳаларининг тил ҳақидаги бугунги фанда туган ўрни, ҳамда шу фанларнинг асосий тушунчаларидан бири реалияларнинг таржима қилиш усуллари тадқиқ этилган. Бунда, асосан, реалиялар таржимасининг транслитерация, транскрипция, калькалаш, тасвирий таржима усуллари кўриб чиқилган.

В статье изучается роль переводоведения и лингвострановедения в современной науке о языке, а также способы перевода реалий – одного из основных понятий переводоведения и лингвострановедения. В основном рассматриваются такие переводческие способы, как транскрипция, транслитерация, калька, описательный перевод.

This article deals with the role of translation and linguistic country-study in the modern science of language and the ways of translation of non-equivalent lexis, which is considered one of the main notions of translation and linguistic country-study. Basically such translation ways as transcription, transliteration, calque, descriptive ones are considered in the article.

Калит сўзлар: реалия, транскрипция, транслитерация, калькалаш, тасвирий таржима.

Ключевые слова: реалия, транскрипция, транслитерация, калька, описательный перевод.

Key words: reality, transcription, transliteration, tracing, descriptive translation.

Охирги ўн йиллик ичида лингводидактикада тили ўрганилаётган мамлакат миллати маданиятини тили билан чамбарчас ҳолда ўрганиш асосий воситалардан бири сифатида бўлиб қолмоқда. Бу йўналишга рус олимлари Е. Верещагин и В. Костомаров асос солганлар ва унга лингвоўлкашунослик деб ном берганлар. Бу фанда тили ўрганилаётган мамлакат маданиятини ўрганиш диққат марказида туради(3, 11–53).

Шундай қилиб, лингвоўлкашунослик фанига социоллингвистика ва лингводидактика фанлари ҳам дахлдордир. Социоллингвистиканинг роли шундаки, лингвоўлкашунослик умуммиллий маданиятни тил соҳиблари ва маданият билан чамбарчас ҳолда боғлашдир. Бир халқ маданияти деганда, шу миллатнинг маънавий бойлиги ҳисобланган социокommуникация тушунчаси, миллий менталитет хусусиятлари, маънавий ва моддий бойликлари тушунилади.

Шу ўринда маданият ва тил ўртасидаги муштараклик ҳақида, жаҳонга машҳур кўплаб олимларнинг фикрлари мавжуд.

Ҳар бир миллат маданияти миллий ва ўзига хос қирраларига эга. Бунинг асосий сабаби – ҳар бир миллат ўз табиий муҳитида яшаб, ўз тарихий меросига эга эканлигидадир.

Ҳар бир авлод ўз тили ва маданиятида ўзига хос хусусиятларни мерос қилиб қолдиради ва ундан кейинги авлодлар шу хусусиятларга ўзгартиришлар киритиб, уларни янада мукаммалаштиради.

Тил ва маданият ўртасидаги боғлиқлик хусусида иш олиб борган олимлар тилнинг лексик-семантик қатламига алоҳида эътибор қаратганлар. Уларнинг фикрича, ҳар бир тил айнан шу тилда сўзлашувчи халқ маданиятига хос хусусиятларни акс эттирувчи лексик қатламга эга (Е.М. Верещагин, В.Г. Костомаров, С.Г. Тер-Минасова, А. Вежбицкая ва б.) (3; 4; 6; 2).

Демак, ҳар бир маданият ва тил соҳибни ҳаёти давомида борлиқни билиш жараёнида ўз аждодларининг лисоний меросига қайта ишлов бериб, уни мукаммаллаштиради. Натижада, тил маданиятни акс эттирибгина қолмай, ўзи ҳам унинг таркибида ривожланади. Бошқа халқнинг олам лисоний тасвирини англаш учун шу ОЛТ ичига кириб, шу тилда ўрганилаётган объектга тегишли объектив маълумотларни йиғиб ўрганиш лозим. ОЛТ, бу – матрицаларнинг тилда ифодаланган мажмуаси бўлиб, улар орқали борлиқни миллий англаш усуллари ва бунинг натижасида шаклланган миллий характер англашилади. Ушбу матрицалар системасини билмай туриб, миллий маданиятни ташкил этувчи этик, ахлоқий ва аҳамиятли унсурлар, ассоциатив тафаккур, системаларни ўрганиш мушкулдир (5, 80).

Таржимашунослик ва лингвомамлакатшунослик соҳаларида асосий лисоний лексик бирликлардан бири реалиялар ҳисобланади. Тиллар орасидаги тафовут, одатда, бир халқ моддий ҳаётида мавжуд муайян тушунчалар, воқеа-ҳодисалар, урф-одатлар, миллий анъаналарнинг бошқа халқлар турмуш тарзида учрамаслиги, шу туфайли уларнинг номлари ҳам бошқа халқлар тилида табиий равишда йўқлиги билан изоҳланар экан, халқлар турмуш тушунчаларини англатадиган сўзлар, шубҳасиз, бадий, тарихий ёдгорликларнинг миллий бўёғини ва уларнинг ўзига хослигини ифодалайди.

Муайян миллат менталитети ёхуд миллийлигини ўзида акс эттирадиган ҳамда муайян даврга хос бўлган моддий-маънавий манбаларни ифода этувчи сўз ёки сўз бирикмалари реалия деб аталади. Ҳар бир миллатга хос бўлган бундай реалияларнинг бадиий асар таржимасида тўлақонли акс этишида катта бир тўсик – бу фақат ўша миллатга хос бўлган колоритни ифодаловчи жиҳатдир.

Биринчи гуруҳ реалияларга атоқли отлар, географик жой номлари, корхона, газета ва журналлар номини киритиш мумкин. Иккинчи гуруҳга эса, ўзбек тилигагина хос бўлган “хонатлас”, “сўзана”, “палов” каби бошқа тилларда учрамайдиган сўзларни киритиш мумкин. Е. Верещагин и В. Костомаров реалияларни бошқа тилда мавжуд бўлмаган ҳодиса ёки предметга нисбатан қўллаганлар. Бундай сўзларни таржима қилиш мумкин эмас, балки уларни фақатгина изоҳлаб таржимада бериш лозим дейдилар(3, 60).

Юқорида таъкидланганидек, иккинчи гуруҳ реалияларга луғавий эквиваленти бўлмаган лексик бирликлар киради. Тилларни қиёслашда учрайдиган бундай лексик бирликлар “тасодифий лакуналар” деб ном олган. Масалан, ўзбек тилидаги “тўн” сўзи инглиз ва рус тилларидаги ҳеч бир кийим турига мос келмайди. Бундан келиб чиқиб шуни айтиш лозимки, хос сўзлар маданий компонентини йўқотмаган ҳолда изоҳ йўли билан таржима қилиниши лозим.

Рус олими Л. Бархударов “Язык и перевод” асарида таъкидлашича, барча тиллар барча тушунча ва ҳодисаларни ифода этиши мумкин. Бунинг учун таржимашуносликда бир нечта самарали усуллар мавжуд(1, 97).

Шубҳасиз, таржима тилида муқобили бўлмаган лексика таржимаси баъзи бир қийинчиликларга олиб келади, бироқ бу муаммонинг ечимини ҳар доим топиш мумкин.

Бунда Л. С. Бархударов хос сўзларнинг таржимада берилишининг қуйидаги усуллари кўрсатиб ўтади.

Таржимада транслитерация ва транскрипция

Транслитерация усули таржима қилинаётган тилдаги лексик бирликларни таржима тилида график кўринишда, яъни ҳарфма-ҳарф ифода этиш билан характерлидир. Транскрипцияда эса товуш шакли кўчирилади. Бундай таржима усуллари, асосан, фирма, компания, ташкилот номлари таржимасида қўлланилади. Масалан, “Ўзбекистон ҳаво йўллари”, “Дженерал Моторс”. Бундан ташқари, бу усуллардан ижтимоий-сиёсий адабиётлар, газета ва журналларда фрейдаланилади: *tribalism* – трайбализм, *impeachment* – импичмент ва бошқалар. Инглиз тилида эса *sovkhov*, *technicum*, *perestroika* каби баъзи советизмларда транслитерация усулини кўришимиз мумкин.

Калькалаш усули

Реалиялар таржимасининг навбатдаги таржима усули калькалаш деб аталади. Бунда морфемаларнинг таркибий қисми ёки сўзларни таржима тилидаги мавжуд мос лексик birlikлар ёрдамида таржима қилиш тушунилади. Масалан, *dozen* – дюжина, маданият уйи – *House of Culture*.

Тасвирий таржима

Бу таржима усули таржима қилинаётган тилдаги лексик birlikларнинг маъносини таржима тилида ушбу лексик birlikларнинг салмоқли белгиларини уларнинг дефиницияси орқали бериш билан омилга оширилади. Масалан, инглиз тилидаги хос сўзнинг ўзбек тилига таржимасида кўришимиз мумкин: *Landslide* – сайловларда кўп овоз билан ютиб чиқиш; ши – карам шўрва ва бошқалар. Мисоллардан кўриш мумкинки, тасвирий таржима усули хос сўзларнинг барча хусусиятларини очиб бериш билан бирга камчиликдан ҳам холи эмас. Бу усул катта жой олиб, матннинг кенгайиб кетишига сабаб бўлади.

Реалияларни таржимада беришнинг юқорида санаб ўтилган усулларида ташқари, яна яқин таржима усули ҳам мавжуд. Бу усулда реалияларга таржима тилида маъно бўйича яқин муқобил қидириб топилади. Масалан, *drugstore* – аптека.

Демак, бирор-бир тилнинг луғавий таркибида лексик birlik эквивалентининг мавжуд бўлмаслиги ушбу лексик birlikларнинг таржима қилиниши мумкин эмас, деган фикрни бермайди. Таржимондан юқори даражадаги фон билимлари, ҳамда таржима усуллари қўллай олиш қобилияти талаб қилинади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Бархударов Л. С. Язык и перевод (Вопросы общей и частной теории перевода). – М.: Международные отношения, 1975. – 240 с.
2. Вежбицкая А. Язык. Культура. Познание. – М.: Русские словари, 1996. – 416 с.
3. Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Лингвистическая проблематика страноведения в преподавании русского языка иностранцам. – М., 1971. – С. 11–53
4. Верещагин Е. М., Костомаров В. Г. Язык и культура. – М., 1990. – 248 с.
5. Корнилов О. А. Языковые картины мира как производные национальных менталитетов. – М.: ЧеРо, 2003. – 349 с.
6. Тер-Минасова С. Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2008. – 264 с.